

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МИРЗАЕВА ДИЛФУЗА БОТИРЖОНОВНА

**ЭКСТРАКОРПОРАЛ УРУҒЛАНТИРИШДА АКУШЕРЛИК ВА
ПЕРИНАТАЛ АСОРАТЛАРНИ ТАШХИСОТИ ВА
ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ПАТОГЕНЕТИК АСПЕКТЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Мирзаева Дилфуза Ботиржоновна

Экстракорпорал уруғлантиришда акушерлик ва перинатал асоратларни ташхисоти ва профилактикасининг патогенетик аспекти 3

Мирзаева Дилфуза Ботиржоновна

Патогенетические аспекты диагностики и профилактики акушерских и перинатальных осложнений при экстракорпоральном оплодотворении 24

Mirzaeva Dilfuza Botirjonovna

Pathogenetic aspects of diagnosis and prevention of obstetric and perinatal complications during in vitro fertilization..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 49

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МИРЗАЕВА ДИЛФУЗА БОТИРЖОНОВНА

**ЭКСТРАКОРПОРАЛ УРУҒЛАНТИРИШДА АКУШЕРЛИК ВА
ПЕРИНАТАЛ АСОРАТЛАРНИ ТАШХИСОТИ ВА
ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ПАТОГЕНЕТИК АСПЕКТЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида V2018.2.PhD/Tib614 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.akusherstvo.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Саиджалилова Дилноза Джавдатовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Зуфарова Шахноза Алимджановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Гафурова Феруза Ахраровна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат
тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.11.2023.Tib.l 14.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100124, Тошкент ш., Мирзо-Улуғбек тумани, Мирзо-Улуғбек кўчаси, 132а-уй. Тел/факс:: (371) 263-47-50, (371) 263-84-83, e-mail: info@uzaig.uz, веб-сайт: www.akusherstvo.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100124, Тошкент ш., Мирзо-Улуғбек тумани, Мирзо-Улуғбек кўчаси, 132а-уй. Тел/факс: (371) 263-47-50, (371) 263-84-83).

Диссертация автореферати 2024 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2024 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.С. Надирханова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори

М.М. Файзираҳманова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, биология фанлари номзоди

М.М. Асатова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аёлларнинг бепуштилиги барча мамлакатларда долзарб муаммо ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...бепуштлиқ аёлларнинг қарийб 17,5 %ини ёки дунё бўйлаб ҳар олти кишидан бирида учрайди, бу эса барча аҳоли учун бепуштлиқни юқори сифатли даволаниш имкониятларини кенгайтириш зарурлигини таъкидлайди...»¹. Экстракорпорал уруғлантириш усулидан фойдаланиш аёл бепуштлигининг илгари даволаш учун мутлақо истикболсиз деб ҳисобланган шаклларида, масалан, бачадон найчаларининг нотўлиқ ёки тўлиқ обструкцияси бўлганида ўтказилса, фарзандли бўлиш имкониятини беради. Бепуштлиқни даволашнинг мавжуд усуллари, шу жумладан ЭКУ усуллариининг самарадорлигини ошириш, шунингдек янги даволаш усулларни ишлаб чиқиш эмбрион ва она танаси ўртасидаги симбиотик муносабатлар механизмларини ўрганмасдан иложи йўқ. Беморларда асоратланган акушерлик ва гинекологик анамнезнинг мавжудлиги олдимишга ЭКУдан кейин ҳомиладорликнинг кўтара олмаслик сабабларини ташхисотида ва репродуктив тизим аъзоларини кейинги ЭКУ дастурига самарали тайёрлашда янги усулларни излаш вазифасини қўйди, бу эса замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда ЭКУ натижасида ҳомиладорликнинг ижобий муваффақиятини чекланишига сабаб бўлувчи репродуктив тизим аъзоларининг рецептивлигини ташхислаш хусусиятларини оптималлаштириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, экстракорпорал уруғлантиришдан кейин ҳомиладорлик ва туғруқни олиб бориш натижаларини ўрганиш, экстракорпорал уруғлантиришдан кейин ҳомиладорликни кечиши ва уни олиб бориш, молекуляр диагностика усулларидаги изланишлар нафақат ирсий касалликларнинг генларини, балки у ёки бу комбинациялашган (мультифакториал) касалликларга мойиллик генларини ҳам аниқлаш имконини беради. Ҳомиладорликнинг ижобий кечиши учун масъул бўлган генларнинг полиморфизминини ўрганиш ҳомиладорликни кўтара олмасликка олиб келувчи генотипларни аниқлашга қаратилган тиббиётнинг истикболли йўналиши ҳисобланади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, ҳомиладор аёллар учун самарали тиббий ёрдам кўрсатиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, эрта ташхислаш, даволаш ва асоратларини олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «... репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини

¹ WHO. Global report. Overview. Infertility Prevalence Estimates, 1990–2021. / 3 April 2023. <https://www.who.int/publications/i/item/978920068315>

такомиллаштириш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, ЭКУ дан кейин ҳомиладорликда акушерлик ва перинатал асоратларни камайтириш мақсадида ташхислаш ва даволаш хусусиятларини оптималлаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2022-йил 25-апрелдаги ПҚ-216-сон «2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида», 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019-йил 8-ноябрдаги ПҚ-4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Швециялик тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, йўлдошдаги ER α ва ER β нинг паст даражалари (прогестерон рецепторлари билан бирга) ҳомила ўсиши ва ривожланишидан орқада қолиш каби ҳомиладорлик асоратини юзага келтирувчи омил бўлиб ҳисобланади (Rod A., 2020). Баъзи маълумотларга кўра, ҳомиладорлик артериал гипертензияси туфайли муддатдан олдин туғилиш вақтидаги олинган йўлдошда ER α нинг экспрессияси ҳомиладорликнинг ўз муддатида туққан аёлларнинг йўлдошига нисбатан юқори бўлади (Fuji S., 2023). Прееклампсия мавжуд ҳомиладор аёлларнинг йўлдошларидан олинган намуналар нормал кечган ҳомиладор аёлларнинг йўлдошларига нисбатан ER α /ER β (Курбанов Б.Б., 2021) ифодасида сезиларли ўсишни кўрсатди. Россия тадқиқотчилари эрта муддатларда ривожланмаган ҳомиладорликда эндометрий ва децидуал тўқималарда ЭР экспрессияси ошишини аниқлашди (Айзикович И.В., 2021). Йўлдош трофобласт хужайраларида β -ER оқсиллари экспрессиясининг камайиши ва ҳомила ривожланишдан ортда қолиш синдроми ўртасидаги боғлиқликни кўрсатадиган натижалар олинди (Лисенко Е.А., 2020). ЭР миқдори билан юқумли касалликларнинг ривожланиши боғлиқлигини кўрсатувчи нашрлар миқдори жуда кам. Масалан, оддий герпес вирусини қайта фаолланишига олиб келувчи 17- β эстрадиол ЭР га боғлиқ (Понамаренко К.Ю., 2017).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Бир қатор тадқиқотларда таъкидланишича, прогестерон рецепторлари экспрессияси микдорининг ошиши (ESR1 экспрессияси микдорининг пасайиши ва ESR2 экспрессияси микдорининг ошиши билан бирга) преэклампсия мавжуд йўлдош тўқималарда учради (Mou J., 2022). Ўтказилган тадқиқотларда PGR генининг ПЭ ривожланишида (Т аллели ПЭ ривожланиш хавфини оширади), идиопатик ҳомилани кўтара олмаслик ривожланишида (Т аллели хавф омил ҳисобланади), эндометрий раки ривожланишида ассоциацияси аниқланган (Paramitsou T., 2021). Шу билан бир қаторда PGR генининг Т аллели кеч менархе ва қисқа ҳайз цикли кузатилиши билан боғлиқлиги ўрганилиб, эндометриоз, сут безлари раки билан боғлиқлиги етарлича ўрганилмаган (Zhao L., 2018).

Ўзбекистонда экстракорпорал уруғлантиришдан (ЭКУ) сўнг ҳомиладорликнинг кечиши, экстракорпорал уруғлантиришдан кейин ҳомиладор аёлларда акушерлик ва перинатал асоратларнинг хавф омилларини баҳолаш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган (Ф.М.Аюпова, 2018; Д.Д.Саиджалилова, 2018; А.А.Караманян, 2018), бироқ, ЭКУ дан кейин ҳомиладорликда акушерлик ва перинатал асоратларни камайтириш мақсадида ташхислаш ва даволаш хусусиятлар оптималлаштирилмаган.

Юқоридаги қайд этилганлар ЭКУ дан кейин ҳомиладор аёлларда акушерлик ва перинатал асоратларни ривожланиш механизмида эстроген ҳамда прогестерон рецепторлари генлари полиморфизмининг ролини аниқлаш ва ҳомиладорлик оқибатларини прогнозлаш усулини ишлаб чиқишга йўналтирилган тадқиқотлар зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-20170923142 «Ёрдамчи репродуктив технологияларда ҳомиладорлик асоратларини бепуштлиқ генезига боғлиқ ҳолда таққослама даволаш ва профилактика усулини ишлаб чиқиш» (2018-2022 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ЭКУ дан кейин ҳомиладор аёлларда акушерлик ва перинатал асоратларни ривожланиш механизмида эстроген ҳамда прогестерон рецепторлари генлари полиморфизмининг ролини аниқлаш ва ҳомиладорлик оқибатларини прогнозлаш усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

экстракорпорал уруғлантиришдан сўнг аёлларда репродуктив йўқотишлар частотасини бепуштлиқ генезасига кўра қиёсий баҳолаш ва ҳомиладорликнинг салбий оқибатли кечишини хавф омилларини аниқлаш;

экстракорпорал уруғлантириш мавжуд аёлларда бепуштлиқ генезига кўра ESR1 ва PGR генлари полиморфизмининг тузилишини аниқлаш ва генотиплари частотасини баҳолаш;

акушерлик ва перинатал асоратларни ривожланишида ESR1 ва PGR генлари полиморфизми генотипларининг клиник-прогностик аҳамиятини қиёсий жиҳатдан баҳолаш;

экстракорпорал уруғлантиришдан кейин аёлларда бепуштлиқ генезига кўра ҳомилани кўтара олмасликни прогностлаш усулини ишлаб чиқиш;

экстракорпорал уруғлантиришдан кейин ҳомиладор аёлларда ҳомилани кўтара олмасликни профилактикаси учун чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ЭКУ натижасида ҳомиладор бўлган 246 та аёллар, ўз-ўзидан ҳомиладор бўлган 30 та аёллар, шунингдек уларнинг чақалоқлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида аёлларнинг қон зардоби намуналари, қондаги ДНК, ESR1 ва PGR генлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда ЭКУ дан кейин ҳомиладор аёлларда акушерлик ва перинатал асоратларни ривожланиш механизмида эстроген ҳамда прогестерон рецепторлари генлари полиморфизмининг ролини аниқлашда клиник-анамнестик таҳлил, функционал, генетик ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ЭКУдан кейин аёлларда репродуктив йўқотишларнинг частотаси ва табиати, шунингдек бепуштлиқнинг этиологик омиллари туфайли перинатал оқибатлар ўртасидаги боғлиқлик исботланган;

бепуштлиқ мавжуд ўзбек аёлларнинг периферик қонида эстроген (ESR1) ва прогестерон (PGR) рецепторлари генлари полиморфизмларининг аллеллари ва генотиплари частотаси, шунингдек, муваффақиятли ЭКУ натижаларида уларнинг прогностик аҳамияти асосланган;

ЭКУдан кейин аёлларда ҳомиладорликнинг салбий оқибатлари эстроген рецепторлари генининг (ESR1) А/А мутант генотиби билан прогестерон рецепторлари генининг (PGR) Т/Т мутант генотиби мавжудлиги ўртасидаги боғлиқлик исботланган;

акушерлик ва перинатал асоратлар учун хавф омиллари ва эстроген (ESR1) ҳамда прогестерон (PGR) рецепторлари генлари полиморфизмларининг ишончли аҳамияти асосида ЭКУдан кейин аёлларда ҳомиладорликни кўтара олмасликни башорат қилиш ҳамда олиб бориш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ЭКУ мавжуд аёлларда бепуштлиқ генезига кўра ҳомиладорликнинг салбий оқибатларини хавф омиллари аниқланган;

ЭКУ амалиётидан кейин аёлларни олиб боришнинг алгоритми, шунингдек ҳомиладорлик ва туғруқнинг ижобий ва салбий оқибатларини прогностик мезонлари ишлаб чиқилган;

ЭКУ дан сўнг аёлларда ҳомиладорликнинг кечиши ва оқибатларини прогностловчи усул таклиф этилди ва клиник амалиётга тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган объектив клиник, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усуллари асосида ЭКУ дан кейин ҳомиладор аёлларда акушерлик ва перинатал асоратларни

ривожланиш механизмида эстроген ҳамда прогестерон рецепторлари генлари полиморфизмининг ролини аниқлашнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти экстракорпорал уруғлантириш натижасида ҳомиладор бўлган аёлларда акушерлик ва перинатал асоратлар ривожланишида текшириб ўтилган генетик маркёрлар, хусусан эстроген (ESR1) ва прогестерон (PGR) рецепторлари генларининг полиморфизмлари билан статистик жиҳатдан боғлиқлиги аниқланиб, барча кўрсаткичлар назорат гуруҳи кўрсаткичларидан статистик ишончли юқорилиги назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ЭКУ дан кейин ҳомиладорлик оқибатларини прогнозловчи генетик маркёрларни (ESR1 ва PGR) ЭКУ дастурини амалга оширишдан олдин аниқлаш ЭКУ натижасида акушерлик ва перинатал асоратларни башоратлаш, ҳомиладорликни индивидуал олиб бориш ва аёлларнинг соғлом фарзанд кўриш ҳолатига ижобий таъсир кўрсатганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тошкент тиббиёт академияси эксперт кенгашининг 2024 йил 17 январдаги 01/064-сон хулосасига кўра (илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Тошкент тиббиёт академиясининг 2021 йил 16 августдаги 02-2424-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган):

биринчи илмий янгилик: ЭКУдан кейин аёлларда репродуктив йўқотишларнинг частотаси ва табиати, шунингдек бепуштликнинг этиологик омиллари туфайли перинатал оқибатлар ўртасидаги исботланган боғлиқлик Тошкент шаҳар 9-сонли туғруқ комплекси (30.11.2023-йилдаги 98-сонли буйруқ) ҳамда Республика перинатал маркази (1.12.2023-йилдаги 172а-сонли буйруқ) амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* ЭКУ (акушерлик ва перинатал асоратларни ривожланиш хавфи юқори гуруҳ) натижасида ҳомиладор бўлган аёлларни олиб боришда индивидуал ёндашув ўз-ўзидан ҳомила тушиши, ривожланмаган ҳомиладорлик, муддатдан олдинги туғруқ, эрта неонатал ўлим каби асоратларни минималлаштирилишига олиб келган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ЭКУдан кейин аёлларни бепуштликнинг генезига кўра олиб боришда индивидуал ёндашув, хавф омилларни бартараф этиш, акушерлик асоратлари, хусусан, ҳомиладорликни кўтара олмасликни камайишига олиб келади, бу эса ҳар бир бемор учун ушбу патологияни даволаш учун сарфланадиган ўртача 2000000 сўмни иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* ЭКУ дастури натижасида ҳомиладор бўлган аёллар шахсий ёндашувни инobatга олган ҳолда, ҳомиладорликни кўтара олмаслик ривожланиши мумкин бўлган хавф гуруҳидаги аёллар рўйхатига киритиш зарур. Бундай ҳолда, бепуштлик генезини, аёлнинг ёшини, унинг соматик, акушерлик ва гинекологик анамнезини, шунингдек, бепуштликнинг давомийлигини ҳисобга олган ҳолда ҳомиладорликни кўтара олмаслик

ривожланиши хавфини камайтириш натижасида 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларининг 2000000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: бепуштлик мавжуд аёлларнинг периферик қонида эстроген рецепторлари (ESR1) ва прогестерон рецепторлари (PGR) генлари полиморфизмларининг аллеллари ва генотиплари частотаси, шунингдек, муваффақиятли ЭКУ натижаларида уларнинг прогностик асосланган аҳамияти Тошкент шаҳар 9-сонли туғруқ комплекси (30.11.2023-йилдаги 98-сонли буйруқ) ҳамда Республика перинатал маркази (1.12.2023-йилдаги 172а-сонли буйруқ) амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* бепуштлик мавжуд аёлларда ESR1 ва PGR генларининг полиморфизмини олдиндан аниқлаш ушбу аёллар учун олиб бориш тактикасини белгилайди. ESR1 ва PGR генларида мутация аниқланса, ЭКУ тавсия этилмайди, чунки ЭКУ нинг салбий натижаларини юқори фоизи кузатилган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ЭКУ мавжуд ўзбек популяцияли аёлларда эстроген ва прогестерон рецепторлари генлари полиморфизми билан ҳомиладорлик натижалари бўйича олинган маълумотларга кўра, уларни эрта аниқлаш ва салбий оқибатларга олиб келиш хавфи юқори бўлганлиги сабабли, 30000000 сўмни тежайди (битта ЭКУ амалиётининг ўртача нархи). *Хулоса:* ҳомиладорлик даврида асоратларни ривожланиши учун асосий генетик хавф омилларини эрта аниқлаш натижасида ЭКУ нинг салбий оқибатларини олдини олишда 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларининг 30000000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган имконини берган;

учинчи илмий янгилик: ЭКУдан кейин аёлларда ҳомиладорликнинг салбий оқибатлари эстроген рецептори генининг (ESR1) А/А мутант генотиби билан прогестерон рецептори генининг (PGR) Т/Т мутант генотиби мавжудлиги ўртасидаги исботланган боғлиқлик Тошкент шаҳар 9-сонли туғруқ комплекси (30.11.2023-йилдаги 98-сонли буйруқ) ҳамда Республика перинатал маркази (1.12.2023-йилдаги 172а-сонли буйруқ) амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* ESR1 генининг А мутант ва PGR генининг Т аллеллари, шунингдек уларнинг полиморф вариантлари ЭКУ дан кейин ҳомиладорлик даврида акушерлик ва перинатал асоратларни ривожланишида уларни аниқлашнинг юқори прогностик аҳамияти ва самарадорлигини исботлашга имкон берди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ESR1 ва PGR ген мутациясини ўрганиш ва индивидуаллашган ҳомиладорликни олиб бориш натижалари ҳомиладорлик асоратлар сонини, даволаниш вақтини ва касалхонада қолишни камайтиришга имкон берди. Бу ҳар бир бемор учун 2500000 сўмни тежаш имконини берди. Яъни, бундай патологиялар билан асоратланган тақдирда, уни тузатиш учун қўшимча харажатлар 5000000 сўмни ташкил қилади. Таклиф этилаётган янги ёндашувнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида бундай харажатлар ўртача 2500000 сўмни ташкил этган. Натижада ушбу патология билан оғриган бир беморга аниқланган ёндашув ҳисобига юзага келиши мумкин бўлган асоратларни камайтириш ҳисобига 2500000 сўм маблағ тежалди (9-туғруқ мажмуаси нархлари рўйхати бўйича). *Хулоса:* ЭКУ мавжуд

аёлларда ҳомиладорликни кўтара олмаслик хавфини оширишини аниқловчи ESR1 генининг мутант A/A генотиби ва PGR генининг T/T генотиби мавжудлигини текшириш 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларининг 2500000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: акушерлик ва перинатал асоратлар учун хавф омиллари ва эстроген (ESR1) ҳамда прогестерон (PGR) рецепторлари генлари полиморфизмларининг ишончли аҳамияти асосида ЭКУдан кейин аёлларда ҳомиладорликни кўтара олмасликни башорат қилиш усули ишлаб чиқилган ва Тошкент шаҳар 9-сонли туғруқ комплекси (30.11.2023-йилдаги 98-сонли буйруқ) ҳамда Республика перинатал маркази (1.12.2023-йилдаги 172а-сонли буйруқ) амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* Таклиф этилаётган прогнозлаш усули клиник олди босқичларида ҳомиладорликни кўтара олмасликни аниқлаш имконини берди, бу эса ЭКУ амалиётига тайёрланаётган индивидуал равишда олиб бориш ҳамда ҳомиладорликни кўтара олмасликни профилактикасини таъминлашга имкон берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ЭКУдан кейин ҳомиладорликнинг салбий оқибатларини башорат қилишда ҳомиладорликни кўтара олмасликни башорат қилиш усулининг жорий этилиши аёлларда 30000000 сўмни (бир ЭКУ амалиётининг ўртача нархи) тежаш имконини берди. *Хулоса:* ишлаб чиқилган прогностик модел ЭКУдан кейин аёлларда ҳомиладорлик даврида акушерлик ва перинатал асоратлар ҳамда репродуктив йўқотишларнинг мумкин бўлган оқибатларини тахмин қилиш натижасида 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларининг 30000000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 6 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан 14 таси республика ва 3 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган, 1 та ихтиро патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати очиқ берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси ҳамда тадқиқотнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги ёритиб берилган. Шунингдек,

тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети ва усуллари тизимли равишда келтирилган. Мазкур қисмда диссертация натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги кўрсатилган, ишнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган ҳамда тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ифодаланган бўлиб, апробация ҳамда тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши ҳамда ишнинг хажми ва тузилишига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ҳозирги давр ҳолатида бепуштлик муаммосининг даволаш самарадорлигини экстракорпорал уруғлантириш усули ёрдамида ошириш”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Шарҳда дунёнинг турли мамлакатларида ЭКУ самарадорлиги, ЭКУ дан сўнг ҳомиладорликда юзага келиши мумкин бўлган асоратлар, улар ривожланишининг асосий хавф омиллари таҳлил қилинган. ЭКУ дан сўнг ҳомиладорликда юзага келиши мумкин бўлган асоратлар ривожланишининг патогенетик механизмлари ёритиб ўтилган.

Диссертациянинг **“ЭКУ мавжуд аёлларда акушерлик ва перинатал асоратларни баҳолаш учун тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида ушбу ишда қўлланилган асосий текширув материал ва усуллари келтирилган. Ишда қўйилган муаммоларни ҳал қилиш учун тадқиқот бир неча босқичда амалга оширилди.

Биринчи босқичда 276 нафар аёлнинг ҳомиладорлик ва туғруқ жараёни таҳлил қилинди, улардан 246 нафари ЭКУ муолажасидан сўнг ҳомиладор аёллар, 30 нафари физиологик ҳолатда ҳомиладор бўлган аёллардир. Бепуштлик генезига кўра асосий гуруҳ аёллари куйидаги гуруҳларга бўлинади: I гуруҳ - най-перитонеал генезли бепуштлик (НПГБ) мавжуд бўлган аёллар (n=69) (N97.1); II гуруҳ - эндокрин генезли бепуштлик (ЭнГБ) мавжуд бўлган аёллар (n=76) (N97.0); III гуруҳ - эркаклар генезли бепуштлик (ЭрГБ) мавжуд бўлган аёллар (n=74) (N97.4), IV гуруҳ - ноаник генезли бепуштлик (НГБ) мавжуд аёллар (n=27) (N97.9). Тадқиқот беморларнинг дастлабки ҳолати, ҳомиладорлик ва туғруқ кечиши, шунингдек, янги туғилган чақалоқларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни таққослашдан иборат эди.

Беморларни тадқиқотга киритилиш мезонлари куйидагилардан иборат бўлди:

- най-перитонеал, эндокрин, эркаклар бепуштлиги (аник патозооспермия бўлмаса) мавжуд бўлган аёллар ҳамда бепуштликнинг ноаник генези бўлган аёллар;

- ягона ҳомилалик.

Тадқиқотда куйидаги мезондаги аёллар киритилмади:

- кўп ҳомилалик

- аёллар жинсий аъзолари ривожланиш нуқсонлари;

- тухумдон онкологик касалликлари мавжуд аёллар;

- эндометриозга боғлиқ бепуштлик;

- комбинирлашган/қўшма генезли бепуштлик.

Иккинчи босқичда 112 нафар аёлнинг қонида молекуляр-генетик усул орқали ESR1 ва PGR генларининг полиморфизми аниқланиб, бу натижалар ҳомиладорлик ва туғруқ кечиши маълумотлари билан қиёсий равишда таҳлил қилинди. Улардан асосий гуруҳ ЭКУ дастурида қатнашган, барча текширувлардан ўтган ва тадқиқотда иштирок этиш учун ихтиёрий равишда розиликни имзолаган 82 нафар аёлдан иборат эди. Ушбу босқичда аёллар бепуштлик генезига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинди: I гуруҳ – най-перитонеал генезли бепуштлик мавжуд бўлган аёллар (n=22); II гуруҳ - эндокрин бепуштлиги мавжуд бўлган аёллар (n=24); III гуруҳ - эркаклар бепуштлиги мавжуд бўлган аёллар (n=23), IV гуруҳ - бепуштликнинг ноаниқ генези бўлган аёллар (n=13). Тадқиқотнинг назорат гуруҳи ҳомиладорликнинг физиологик ҳолати мавжуд бўлган 30 нафар аёлдан иборат эди.

Генотиплаш учун периферик қон намуналаридан ДНК (дезоксирибонуклеин кислотаси) ажратилган. Беморларда кўрсатилган локусларда генотиплашдан ўтказилди: ESR1 –351 A>G [XBaI] (rs2228480); PGR G>T [Val660Leu] (rs1042838).


Тадқиқотнинг кейинги босқичида ROC таҳлили ва унинг самарадорлигини баҳолаш билан прогностик модельни яратиш ёрдамида ЭКУдан кейин ҳомиладорликни кўтара олмасликни башорат қилиш усули ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг «**ЭКУ натижасида ҳомиладорлик мавжуд аёлларда ҳомиладорликнинг кечиши хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида ЭКУ натижасида ҳомиладорлик мавжуд аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқ кечиши қиёсий равишда ўрганилган.

Асосий гуруҳдаги аёлларнинг ўртача ёши $31,50 \pm 0,35$ ёшни, назорат гуруҳида эса $26,57 \pm 0,96$ ёшни ташкил этди. Таҳлил шуни кўрсатдики, биринчи ва тўртинчи гуруҳлардаги беморларнинг ёши назорат гуруҳига нисбатан каттароқ ($\chi^2=188,6$; $p<0,001$). Энг кўп учрайдиган ҳолатлар ЭКУдан кейин 30 ёшдан 34 ёшгача бўлган аёллар бўлиб, бу 34,1% ни ташкил этди, энг кам учрайдиган ҳолатлар 24 ёшгача ва 40 ёшдан ошган аёллар бўлиб, уларнинг ҳар бирида 20 та ҳолат қайд этилган (муносиб равишда 8,5% ва 8,1%) ($\chi^2=52,03$; $p<0,001$).

Текширилаётган аёллар орасида эндокрин ва най-перитонеал бепуштлик мавжуд аёллар анамнезида соматик касалликларнинг частотаси юқори бўлганлиги аниқланди. Нафас олиш органлари касалликларининг энг юқори кўрсаткичлари (79,7%) бошқа гуруҳларга нисбатан най-перитонеал бепуштлиги мавжуд аёлларда кузатилган ($p=0,04$). Юрак-қон томир касалликлари эндокрин бепуштлиги мавжуд аёлларда (64,5%) бошқа гуруҳлар ($p=0,04$) ва назорат гуруҳлари ($p<0,001$) аёлларига қараганда кўп кузатилган. Най-перитонеал бепуштлик (66,7%) мавжуд аёлларда сийдик айириш тизими касалликлари эндокрин бепуштлик (30,3%) мавжуд аёлларга қараганда 2,2 баравар кўпроқ учради ($p<0,01$).

Тадқиқот гуруҳларида ҳайз кўриш функцияси бўйича маълумотлар таҳлили ўтказилди (1-расм).




1-расм. Аёлларда ўртача менархе ($M \pm SD$) келиш вақти ($p < 0,05$).

Кўпинча менархе асосий гуруҳ аёлларида 13-14 ёшда қайд этилди, бу 203 ҳолатни (82,5%), камроқ - 15 ёшдан кейин, яъни 37 ҳолатда (15%) қайд этилди (1-расм). Кўпинча, ҳайз кўришнинг кеч бошланиши эндокрин бепуштлиги бўлган аёлларда кузатилган (18; 7,3%) ($p = 0,422$).

Аёлларнинг жинсий фаолиятини бошлаган ўртача ёши асосий гуруҳда $21,51 \pm 0,23$ ёш, назорат гуруҳида $20,2 \pm 0,34$ ёш бўлиб, гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар кузатилмаган ($p > 0,05$).

133 нафар (54%) аёл бирламчи бепуштлиқдан, 113 нафар (46%) аёл иккиламчи бепуштлиқдан шикоят қилган. Асосий гуруҳ аёлларида бепуштлиқнинг давомийлиги $7,89 \pm 0,27$ йилни ташкил этди, бунда минимал кўрсаткич 2 йилни, максимал 17 йилни ташкил этди (2-расм).



2-расм. ЭКУ мавжуд аёлларда бепуштлиқнинг ўртача ($M \pm SD$) давомийлиги ($p < 0,05$).

2-расмда келтирилган маълумотларнинг таҳлиliga кўра, ЭКУ муолажасига энг эрта эндокрин ва эркаклар бепуштлиги мавжуд аёллар мурожаат қилган. Анамнезида самарасиз ЭКУ амалиёти 6 та аёлда 1 тадан амалиёт, 1 та аёлда 2 та амалиёт ва 1 та аёлда 3 та амалиёт кузатилди.

ЭКУ мавжуд аёлларда гинекологик касалликлар учраши 1-жадвалда кўрсатилган.

Аёллар анамнезида гинекологик касалликларнинг учраши

Гинекологик анамнезнинг хусусиятлари	I гуруҳ НПГБ мавжуд аёллар (n=69)		II гуруҳ ЭнГБ мавжуд аёллар (n=76)		III гуруҳ ЭрГБ мавжуд аёллар (n=74)		IV гуруҳ НГБ мавжуд аёллар (n=27)		НГ (n=30)	
	n	%	n	%	n	%	N	%	n	%
Хайз циклининг бузилиши	22	31,9**	35	46,0**	5	6,8	2	7,4	2	6,7
Бачадон ортиқлари ўсмасимон ҳосилалари	23	33,3***	39	51,3***	0	0,0	0	0,0	0	0,0
Бачадон миомаси	2	2,9*	8	10,5**	0	0,0	0	0,0	0	0,0
Эндометрий ва эндоцервикс полипи	0	0,0	3	3,9*	0	0,0	0	0,0	0	0,0
Анамнезида жинсий йўл билан юқадиган инфекция мавжудлиги	49	71,0***	0	0,0	1	1,4	0	0,0	0	0,0
Кичик тос аъзолари яллиғланиш касалликлари	61	88,4***	0	0,0	1	1,4	1	3,7	1	3,3

Эслатма: *-гуруҳ кўрсаткичлари ва назорат гуруҳи кийматлари ўртасидаги фарк (*- $p<0,05$; **- $p<0,01$; ***- $p<0,001$).

Гинекологик касалликлар НПГБ ва ЭБ мавжуд гуруҳидаги аёллар анамнезида кўпроқ кузатилган. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, кичик тос аъзолари яллиғланиш касалликлари кўпинча НПГБ бўлган гуруҳда кузатилиб, 88,4% ни ташкил этган. ЭБ бўлган аёллар гуруҳида эса бачадон ортиқлари ўсмасимон ҳосилалари (51,3%), хайз циклининг бузилиши (46%) устунлик қилган. Бу яна бир бор гинекологик патологиянинг ЭКУ бўлган аёлларда бепуштликнинг ривожланишига таъсирини тасдиқлайди. Гинекологик касалликлар бўйича жарроҳлик аралашувлар асосий гуруҳидаги аёлларда кўпроқ учраган ($p<0,001$).

Асосий гуруҳидаги аёллар асоратланган акушерлик анамнезига эга. Асосий гуруҳидаги аёллар ўртасида ўз-ўзидан ҳомила тушиш 49 (19,9%) ҳолатда ва назорат гуруҳида 4 ҳолатда (13,3%) содир бўлган. Асосий гуруҳидаги 29 нафар аёл (11,8%) анамнезида 1 мартадан, 13 нафарида (5,3%) 2 мартадан, 7 нафарида (2,8%) эса 3 мартадан ҳомила тушиши кузатилган. Назорат гуруҳидаги 4 та аёлда (6,7%) фақат 1 мартадан ҳомила тушиши кузатилган. Ривожланмаган ҳомиладорлик ҳам асосий гуруҳидаги 21 та аёлда (8,5%) 1 ҳолатда, 8 та аёлда (3,3%) - 2 тадан, 4 та аёлда (1,6%) - 3 тадан ва битта аёлда (0,4%) 4 та ҳолатдан кузатилган.

Ушбу ҳомиладорликнинг кечиши ўрганилганда, касалхонада даволанишни талаб қиладиган ҳомиладорлар қусиши асосий гуруҳидаги 82 (33,3%) аёлда, назорат гуруҳидаги 3 (10%) аёлда кузатилди ($p=0,033$).

ЭКУдан кейин ҳомиладор аёлларда энг кўп асорат сифатида ҳомила тушиш хавфи кузатилди, бунда НПГБ мавжуд ҳомиладор аёлларда бу асорат 40 та аёлда (58%), эркак генезли бепуштлик мавжуд 13 та аёлларда (17,6%),

бепуштликнинг ноаниқ генези мавжуд 5 та аёлларда (18,5%), назорат гуруҳида эса 8 (26,7%) аёлда кузатилган ($\chi^2=52$; $p<0,001$). Эндокрин бепуштлиги мавжуд ҳомиладор аёлларда эрта ҳомила тушиш хавфи барча 76 аёлда қайд этилган (100%).

Кечки ҳомила тушиш хавфи тадқиқот гуруҳларида мос равишда 10 (14,5%), 35 (46,1%), 6 (8,1%), 2 (7,4%) аёлларда қайд этилган, назорат гуруҳига (6,7%) нисбатан гуруҳларга мос равишда 2,2; 6,9; 1,5 ва 1,2 марта кўп учради ($p=0,041$). Кечки ҳомила тушиш хавфининг рецидиви фақат НППБ билан касалланган 8 (11,6%) ва эндокрин бепуштлиги бўлган 31 (40,8%) аёлларда кузатилган.

Ҳомиладорликнинг учинчи триместрида ЭКУ дан кейин 246 та аёлдан 219 (89%) аёл ҳомиладорлигича қолди, қолган 27 (11%) аёлларда ҳомиладорлик йўқолиши кузатилди. Шундай қилиб, НППБ мавжуд гуруҳда 5 (7,2%) аёлда, эндокрин бепуштлик мавжуд гуруҳда - 11 (14,5%) аёлда, эркақлар бепуштлиги мавжуд гуруҳда - 5 (6,8%) аёлларда, НГБ мавжуд гуруҳда - 6 (22,2%) аёлларда ҳомиладорлик йўқотишлари содир бўлди. Ҳомиладорликнинг I ва II триместрларида репродуктив йўқотишларнинг энг юқори даражаси НГБ мавжуд аёллар гуруҳида қайд этилган.

Юқоридагилардан хулоса шуки, ЭГБ мавжуд 26,1% аёлларнинг 14,5% ва НГБ мавжуд 14,3% аёлларнинг 4,8% ида муддатдан олдин туғруқ, унинг хавф белгиларисиз кузатилди (2-жадвал).

Кўриниб турибдики, ушбу тоифадаги аёллар муддатдан олдин туғруқ ривожланиши учун хавф гуруҳи сифатида кўрилиши керак ва ҳомиладорликнинг 20 ҳафтасидан кейин динамикада цервикометрияни ўтказиш керак.

22-27 ҳафтада муддатдан олдин туғруқ фақат эндокрин бепуштлик (7,7%) ва НППБ (1,6%) бўлган аёллар гуруҳида кузатилди. 28-33 ҳафтада муддатдан олдинги туғруқ эркақлар бепуштлиги бўлган гуруҳда кўпроқ (11,6%) кузатилди. НППБ бўлган гуруҳда муддатдан олдин туғруқ (6,3%) эндокрин бепуштлиги мавжуд гуруҳга қараганда 2,8 баравар кам учради.

Туғруқ усуллари таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ЭКУдан кейин аёллар кесар кесиш билан туғдирилган ($n=208$), бу кўрсаткичлар 12 та ҳомиладор аёлда (5,8%) НЖЙБК, 19 (9,1%) ҳолатда ҳомила ҳолати ноаниқ ҳолати, она-йўлдош-ҳомила қон айланишининг бузилиши - 25 (12%), даволаш мумкин бўлмаган оғир преэклампсия 14 та (6,7%) аёлларда ва туғруқ индукцияси самарасизлиги - 18 (8,7%) та аёлда кузатилди. Бошқа ҳолларда, 120 нафар (57,7%) аёлнинг табиий туғруқ йўллари орқали туғишдан қатъиян рад этиши туфайли жарроҳлик йўли билан туғиш амалга оширилди, улар буни узоқ муддатли бепуштлик ва соғлом фарзанд кўриш истаги билан изоҳладилар. Табиий туғруқ йўллари орқали фақат 8 та (3,7%) аёлда антенатал ҳомила ўлими ва 3 та (1,4%) аёлда муддатдан олдинги туғруқ бошланганлиги сабабли амалга оширилди ($p<0,001$).

**ЭКУ дан кейин ҳомиладор аёлларда бепуштлиқ генезига қараб
ҳомиладорлик кечишининг хусусиятлари.**

Акушерлик асоратлар	I гуруҳ НПГБ мавжуд аёллар (n=69)		II гуруҳ ЭнГБ мавжуд аёллар (n=76)		III гуруҳ ЭрГБ мавжуд аёллар (n=74)		IV гуруҳ НГБ мавжуд аёллар (n=27)		НГ (n=30)	
	п	%	п	%	п	%	п	%	п	%
Муддатдан олдин туғруқ хавфи	15	23,4**	29	44,6**	6	8,7 ^{▲▲}	1	4,8 ^{▲▲}	3	10 ^{▲▲}
Муддатдан олдин туғруқ (жами)	12	18,8 [▲]	24	36,9	18	26,1	3	14,3 [▲]	-	-
22-27 ҳафта	1	1,6	5	7,7	-	-	-	-	-	-
28-33 ҳафта	3	4,7 [▲]	6	9,2	8	11,6 [▲]	1	4,8 ^{▲▲}	-	-
34-37 ҳафта	8	12,5	13	20	10	14,5	2	9,5	-	-
Гипертензив бузилишлар	7	10,9 [▲]	18	27,7**	16	23,2 [▲]	3	14,3* [▲]	3	10 ^{▲▲}
Ҳомиланинг ноаниқ ҳолати	1	1,6	10	15,4	5	7,2	3	14,3	-	-
Она-ҳомила-йўлдош қон айланишининг бузилиши	6	9,4* [▲]	26	40**	14	20,3 [▲]	4	19**	2	6,7 ^{▲▲}
ХРОҚС	-	-	11	16,9	2	2,9	2	9,5	-	-
Қоғоноқ пардасинининг йиртилиши	17	26,6** ^{▲▲}	6	9,2	7	10,1	1	4,8* [▲]	7	23,3
НЖЙБК	1	1,6 ^{▲▲}	8	12,3	4	5,8 [▲]	3	14,3	1	3,3

Эслатма: *- назорат гуруҳи кўрсаткичларидан сезиларли фарқ (* - $p < 0,01$; ** - $p < 0,001$); [▲] - эндокрин бепуштлиқ бўлган гуруҳ кўрсаткичларидан сезиларли фарқ ([▲] - $p < 0,01$; ^{▲▲} - $p < 0,001$).

Биз бепуштлиқ генезига қараб, ЭКУдан кейин ҳомиладор аёлларда репродуктив йўқотишларнинг қиёсий таҳлилини ўтказдик (3-жадвал). Энг юқори репродуктив йўқотишлар эндокрин бепуштлиқ (22,4%) ва НГБ (25,9%) мавжуд ЭКУдан кейин ҳомиладор аёллар гуруҳларида, ҳомиладорликнинг I ва II триместрларида кўпроқ содир бўлганлиги аниқланди. Энг кам репродуктив йўқотишлар НПГБ (11,6%) ва эркаклар бепуштлиги (12,3%) бўлган гуруҳларда кузатилди ($\chi^2=12,2$; $p=0,016$).


ЭКУдан сўнг аёллар томонидан жами 219 та бола туғилган, улардан 163 таси (74,4%) етилган, 56 таси (25,6%) етилмаган ҳолатда туғилган чақалоқлардир. Назорат гуруҳида барча болалар етилган ҳолатда туғилди. ЭКУдан сўнг 8 (3,7%) та ҳомиладор аёлларда 28 ҳафтагача иккита ҳомиланинг ва 28-37 ҳафтада 4 та ҳомиланинг антенатал ўлими кузатилди. Икки ҳомила тўлиқ муддатли ҳомиладорлик пайтида антенатал ўлими кузатилди (0,9%). Назорат гуруҳида бундай ҳолатлар кузатилмади ($p=0,003$). НПГБ, эркаклар бепуштлиги ва НГБ бўлган аёллар гуруҳларида янги туғилган чақалоқларнинг тана вазни ва бўйи узунлиги сезиларли даражада фарқ қилмади ($p=0,049$).

ЭКУ дан кейин ҳомиладор аёлларда бепуштлиқ генезига қараб репродуктив йўқотишлар тузилишининг хусусиятлари.

Репродуктив йўқотишлар	I гуруҳ НПГБ мавжуд аёллар (n=69)		II гуруҳ ЭнГБ мавжуд аёллар (n=76)		III гуруҳ ЭрГБ мавжуд аёллар (n=74)		IV гуруҳ НГБ мавжуд аёллар (n=27)		Жами (n=246)	
	n	%	n	%	n	%	N	%	n	%
Ўз-ўзидан ҳомила тушиши	2	2,9	6	7,9	2	2,7	3	11,1	13	5,3
Ривожланмаган ҳомиладорлик	2	2,9	6	7,9	3	4,1	3	11,1	14	5,7
Бачадондан ташқари ҳомиладорлик	1	1,4	-	-	-	-	-	-	1	0,4
Антенатал ҳомила ўлими	2	2,9	3	3,9	3	4,1	-	-	8	3,3
Эрта неонатал ўлим	1	1,5	2	2,6	1	1,4	1	3,7	5	2,0
Жами	8	11,6	17	22,4	9	12,3	7	25,9	41	16,7

Ҳолбуки, эндокрин омил бепуштлиқ билан аёллар гуруҳида бошқа гуруҳлар ва назорат гуруҳига нисбатан статистик жиҳатдан фарқ кузатилган ($p < 0,05$).

Диссертациянинг “ЭКУ дан сўнг ҳомиладорлик асоратлари ривожланишининг генетик жиҳатлари” тўртинчи бобида барча гуруҳлардаги аёлларда қоннинг генетик кўрсаткичлари келтирилган.



3-расм. Аёлларда ESR1 ва PGR генлари полиморфизмларининг учраши (n=112).

ЭКУ мавжуд 27 та (32,9%) аёлда ESR1 ген полиморфизмининг (G/A) гетерозигот вариантлари аниқланган. Назорат гуруҳида бу кўрсаткич 7 нафар аёлда (23,3%) аниқланган. Бу кўрсаткичлар ҳам статистик аҳамиятга эга эди ($\chi^2=17,2$; $p=0,028$).

ESR1 генининг мутант A/A генотиби асосий гуруҳ аёлларида назорат гуруҳига қараганда анча кенг тарқалган. Бунда, асосий гуруҳдаги 11 (13,4%) та аёлда мутант аллел А гомозигот вариантда (A/A) учради ва назорат гуруҳи аёлларига нисбатан 2 баробар кўп бўлган натижани қайд этди ($p=0,002$). Эркақлар бепуштлиги бўлган аёллар гуруҳида мутант A/A генотипининг юқори миқдориде кузатилган (17,4%), бу назорат гуруҳига қараганда 2,6 баравар кўп натижани қайд этди ($p < 0,05$). Худди шундай A/A мутант генотипининг эндокрин бепуштлиги бўлган аёлларда (16,7%) аниқланди, бу

назорат кўрсаткичларидан 2,5 баравар юқори эди. Най-перитонеал бепуштлиги бўлган аёллар гуруҳида мутант А/А генотиби назорат гуруҳи билан деярли бир хил натижани қайд этди ($p < 0,01$).

Эндокрин бепуштлиги бўлган аёлларда PGR генининг Т/Т гомозигот генотипининг ушанини ўрганиш унинг энг юқори кўрсаткичларини кўрсатди, бу 4,2% ни ташкил этди. Най-перитонеал гуруҳида бу кўрсаткич 2 баравар паст эди (2,1%).

ESR1 генининг турли хил ген полиморфизми (G/G, G/A) бўлган ЭКУ мавжуд аёлларда ҳомиладорликнинг биринчи ярмида ҳомила тўхтатилиши хавфи ва репродуктив йўқотишлар частотасини таҳлил қилганда, статистик жиҳатдан муҳим фарқлар йўқ ($p = 0,854$), лекин G/G генотиби назорат гуруҳидаги аёлларга кўпроқ (3,2 марта) қайд этилди ($p = 0,02$).

Маълумотларни таҳлил қилиб, ESR1 ген полиморфизми ва ривожланмаган ҳомиладорлик ўртасидаги муҳим алоқани кўриш мумкин ($p < 0,001$). Ривожланмаган ҳомиладорликнинг ривожланиш хавфи асосий гуруҳ аёлларида организмда А/А гомозигот генотиби мавжудлиги билан 12 баравар ошди. Таққосланган хусусиятлар ўртасида нисбатан кучли боғлиқлик мавжуд ($V = 0,567$).

